

# “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти Комплаенс хизматининг 2021 йилдаги фаолияти сарҳисоб қилинди

// 11 fevral 2022 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/anticorruption-report-2021>



“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятида ташкилот Комплаенс хизмати томонидан ўтган 2021 йил давомида амалга оширилган ишлар якунларига бағишиланган тадбир ўтказилди. Тадбирда жамият тизимидағи корхона-ташкилотлар видеоконференцалоқа орқали иштирок этди.

Тадбир давомида Комплаенс хизматининг 2021 йилдаги фаолият якунлари юзасидан ҳисоботи тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони талаблари асосида “Ўзкимёсаноат” АЖда Комплаенс хизмати ташкил этилди ва “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, амалга ошириладиган тадбирлар белгилаб олинди. Мазкур соҳада ҳамкорлик “KPMG” халқаро аудиторлик ташкилоти билан йўлга қўйилди.

Ушбу дастурга мувофиқ коррупцияга қарши курашиш бўйича ички меъёрий ҳужжатлар, яъни “Коррупцияга қарши сиёсат”, “Ахлоқ кодекси”, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати” каби

20 дан ортиқ ички меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва ўрнатилган тартибда барча ходимларга танишириш ва тушунтириш ишлари амалга оширилди.

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш мақсадида комплаенс назорат тизими босқичма-босқич кимё саноати корхоналарига татбиқ этилмоқда. Жумладан, "Навоийазот" АЖ, "Фарғонаазот" АЖ, "Деҳқонобод калий заводи" АЖ, "Максам-Чирчик" АЖ, "Биринчи резинотехника заводи" МЧЖ, "Ўзқимёимпэкс" МЧЖ ва "Қўнғирот сода заводи" МЧЖ ҚҚларида комплаенс назорат тизими ўз фаолиятини юритмоқда. "Ўзқимёсаноатложиҳа", "Аммофос-Максам" АЖларда эса мазкур тизимга ходимлар танлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Жамият ва тизимдаги корхоналарда коррупцион хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, шунингдек, ушбу иллатларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, меҳнат муносабатларида қонун бузилиш ҳолатларини ўрганиш мақсадида 2021 йилда жами 49 та хизмат суриштируви ўтказилиб, натижалари бўйича тегишли хulosалар тайёрланган ва айборларга нисбатан тегишли чоралар кўрилган. Жумладан, 44 нафар ходимнинг иш ҳақидан жарима, 39 нафар масъул ходимларга ҳайфсан, 20 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилган, 11 нафарига нисбатан маъмурий чоралар, 9 нафари жиноий жавобгарликка тортилган.



2021 йилда тизимда жами 22 та ҳолатда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар бартараф этилган. Жумладан, тизимда аниқланган ноқонуний ҳолатларни ҳужжатлаштириш натижасида кимё саноати корхоналари томонидан тайёр маҳсулотни сақловга берилган тадбиркорлик субъектларида 80,4 млрд. сўмлик минерал ўғитлар камомади аниқланиб, расмийлаштирилди. Ҳозирги кунда 29,9 млрд. сўм маблағлар ундирилиши таъминланди.

Шу билан бирга олиб борилган ишлар натижасида 500,0 млн. сўмдан ортиқ товар моддий бойликлар ва 100,0 млн. сўмдан ортиқ ёқилғи-мойлаш материалларини талон-тарож қилиниши ва

3,5 млрд. сўм харажатлар самарасиз ишлатилишининг олди олинди.

Кимё саноати корхоналари томонидан тақдим этилган материаллар асосида ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан 10 та жиноий иш қўзғатилган.

Жамият ва тизим корхоналари ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида компаленс хизмати ходимлари ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари иштирокида 2021 йилда жами 116 та тушунтириш-профилактик тадбирлари амалга оширилди.

"Ўзкимёсаноат" АЖ ходимлари ўртасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида тушунтириш ишларини олиб бориши мақсадида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Баш прокуратура, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Давлат хавфсизлик хизмати масъул ходимлари ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчилари иштирокида семинарлар ўтказилди.

Шунингдек, ҳисобот даврида Давлат хавфсизлик хизмати, Прокуратура органлари ходимлари иштирокида кимё саноати корхоналарида мол-мулк ва маблағларни талон-тарож қилиш ҳамда ўзлаштириш ва қўшиб ёзишлар, камомадга йўл қўйиш ҳолатлари тўғрисида ҳамда жамият ходимлари орасида иқтисодий жиноятларга нисбатан муросасизлик ҳиссини шакллантириш мақсадида тушунтириш-профилактик тадбирлари амалга оширилди.

Жамият ва тармоқ корхоналарида ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларини жорий этиш мақсадида "CERT Academy Group" халқаро тренинг компанияси мутахассисларини жалб этган ҳолда 33 та ходим иштирокида ўқув курслари ташкил этилди ва натижаси бўйича тегишли сертификатлар олинди.

"Ўзкимёсаноат" АЖ ходимларида коррупцияга оид билимларини баҳолаш мақсадида тест синовлари ўтказилди ва унда жамиятнинг 73 нафар ходими "Test.uks.uz." платформаси орқали тест синовларида қатнашди. Тест саволлари натижасида аниқланган кўрсаткичлар асосида ходимларнинг кейинги ўқув семинарларида тушунтириш-профилактик тадбирлар йўналиши белгилаб олинди.

2021 йилнинг ноябрь ойида "CERT International" халқаро тренинг компанияси мутахассислари томонидан "Ўзкимёсаноат" АЖнинг коррупцияга қарши кураш менежмент тизими аудитдан муваффақиятли ўтди ва мазкур ташкилот томонидан коррупцияга қарши курашиш механизми амалда самара бераётганининг асосий кўрсаткичи ҳисобланувчи ISO 37001:2016 мувофиқлик сертификати тақдим этилди.

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиқлиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш мақсадида 2021 йил давомида оммавий ахборот воситалари ва расмий веб-сайтлари орқали соҳага оид жами 70 дан ортиқ материаллар жойлаштирилди ҳамда ташкилот Матбуот хизмати томонидан жамият ҳамда тармоқ корхоналарида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар тўғрисида "Ўзбекистон-24" ҳамда "Uzreport" телерадиоканалларида тўғридан-тўғри эфирда ташкил этилган брифингда маълумотлар берилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармони ижроси доирасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, кадрларни танлашда коррупциявий омилларни бартараф этиш, коррупцияга қарши курашиш амалиётiga тизимли превентив чораларни кучайтириш ва мазкур соҳадаги билимларини узлуксиз ошириш мақсадида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва босқичма-босқич амалиётга татбиқ этилмоқда.

"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати